**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
ЎзМУ ректори

_________

2018 йил "18" 08

"КЕЛИШИЛДИ"
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2018 йил

Рўйхатга олинди №

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ
# ФАН ДАСТУРИ

**(барча бакалавриат таълим йўналишлари учун)**

**Тошкент 2018**

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил "18" 08 даги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил "25" 08 даги 744 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди

**Тузувчилар:**

| | |
|---|---|
| Р.Х.Муртазаева | – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Ўзбекистон тарихи" кафедраси профессори, тарих фанлари доктори. |
| А.А.Одилов | – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Ўзбекистон тарихи" кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди |
| Т.И.Дорошенко | – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Ўзбекистон тарихи" кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди |

**Тақризчилар:**

| | |
|---|---|
| Р.Э.Ҳоликова | – И.А.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор. |
| Д.Б.Бобожонова | – Ўзбекистон жаҳон тиллар университети, тарих фанлари доктори, профессор. |

Фан дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил "13" 07 даги 3 -сонли баённома)

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Мамлакатимизни модернизация қилиш, фаол демократик янгиланишларни амалга ошириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ана шу буюк ўзгаришлар жараёнида халқимизнинг бой тарихи, бетакрор миллий қадриятлари, бебаҳо илмий, маданий мероси қайта тикланиб, бутун башариятнинг ноёб мулкига айланди. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва янада юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилишда Ватанимиз тарихини бирламчи манбаларга таяниб, ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этиш ёш авлодга ҳақиқий тарихимизни ўқитиш орқали уларни юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу фаннинг барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда мактабларда ўқитилиши ҳам ана шу юксак аҳамият билан белгиланади.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

***Фанни ўқитишнинг мақсади*** – миллий тарих, миллий ғурур ва ифтихор манбаи хисобланишини ёш авлод онгига сингдириш, уларда тарихий хотира, тарихий тафаккур кўникмасини тарбиялаш миллий ғоя ва юксак маънавий фазилатларни шакллантириш, маънавий дунёсини бойитиш уларни ўз халқи ва Ватанига садоқат, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг онгли фаол иштирокчиси бўлиш руҳида фикрлаш ва яшашга ўргатишдан иборат.

***Фанни ўқитишнинг вазифалари*** – тарихий-маданий жараёнларни холисона ҳамда манбаларга таянган ҳолда таҳлил қилиш, уларнинг сабаблари ва моҳиятини очиб бериш;

– ёшларимизда ўзини англаш, ватанпарварлик, тарихий қадриятларга ҳурмат, бой тарихимизни қадрлаш фазилатларини шакллантириш;

– мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш, турли соҳалардаги ислоҳотлар, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув билан боғлиқ тарихий жараёнлар, воқеа ва ҳодисаларни ёшлар онгига тарихий ҳақиқат тамойиллари асосида етказиш.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. ***Талаба:***

– фаннинг предмети, назарий-методологик асослари, манбалари;

– ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши, халқимизнинг дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси;

– Ўзбекистон тарихининг асосий даврлари ва тараққиёти тадрижий босқичлари, уларнинг узвий боғлиқлиги ва давомийлиги, тарихий воқеалар ворисийлиги;

– мустамлакачилик ва совет мустабид даврида Ўзбекистоннинг турли соҳалари ривожланишига қарши сиёсат ва уларнинг аянчли оқибатлари;

– турли даврларда озодлик йўлида амалга оширилган курашлар ҳамда ватанпарварлик жасоратлари;

– Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши, ривожланиши, янгиланиш ва модернизация жараёнлари ҳақида ***билимга***;

– Ватанимиз тарихи бўйича ўз тарихий тафаккурини бойитиб бориш ва тарихий ҳақиқат тамойиллари асосида тарихий воқеалар ва жараёнларни таҳлил қила билиш;

– Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири эканлигини теран ҳис қила олиш;

– аждодларимиз ибратли ҳаёти ва фаолияти билан фахрланиш ва ватанпарварликни намоён эта олиш ***кўникмаларига***;

– тарихий воқеа ва ҳодисалар натижаларини қиёсий таққослаш орқали улардан хулосалар чиқариш;

– жамият тараккиётида ўзининг тутган ўрнини англай билиш, хис этиш ва фаол иштирок этиш;

– тарихий вокеалар ва ходисаларга нисбатан ўз нуктаи назарига, мустакил фикрига ва муносабат билдира олиш ***малакаларига эга бўлиши керак.***

## III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

### 1-мавзу. "Ўзбекистон тарихи" фанининг предмети, уни ўрганишнинг назарий-методологик асослари, манбалари ва аҳамияти.

Ўзбекистон тарихи фанининг предмети, тадкикот объекти, назарий методологик тамойиллари. Ўзбекистон тарихи жахон халклари тарихи билан узвий боғликлиги. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарларида бу масалаларнинг ёритилиши. Ўзбекистон тарихини ўрганишда моддий ва ёзма манбаларнинг ўрни хамда ахамияти. Хар томонлама етук, маънавий баркамол, онгида миллий ғоя ва Ватан равнаки мафкураси устунлик киладиган, юксак маънавиятли комил инсонларни тарбиялашда Ўзбекистон тарихи фанининг ўрни.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёв XXI аср баркамол авлоди, маънавий етук шахсни тарбиялашда тарих фанининг ўрни ва сабоклари хусусида.

### 2-мавзу. Марказий Осиё - жахон цивилизациясининг ажралмас қисми.

Ўзбекистон кадимги цивилизация ва маданият бешиги. Антропогенез жараёни. Кадимги одамларнинг турмуш тарзи, машғулотлари. Палеолит даври. Палеолит даври ибтидоий хўжалигидаги ўзгаришлар. Неандертал одами. Мезолит даври. Неолит даври. Тош куролларининг такомиллашуви. Чорвачилик ва дехкончилик. Энеолит даври. Бронза давридаги ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар. Ўрта Осиёда илк шахар маданиятининг пайдо бўлиши. "Авесто" нинг инсоннинг маънавий хаётини шакллантиришдаги ўрни.

### 3-мавзу. Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари.

Давлат тузилмаларининг шаклланиш шарт-шароитлари ва омиллари. Илк шахарлар. Дастлабки бошкарув тизими. Илк давлатлар. Кадимги Хоразм давлати. Хоразм давлатида ижтимоий-иктисодий ва маданий хаёт. Кадимги Бактрия давлати. Ижтимоий- иктисодий ва маданий хаёт. Суғд (Суғдиёна). Ахмонийларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши. Махаллий ахолининг боскинчиларга карши озодлик учун кураши. Тўмарис. Широк. Скунха. Фрада. Ахмонийларнинг хукмронлиги даврида ижтимоий-иктисодий хаёт. Александр Македонский бошчилигидаги юнон-македон кўшинларининг Ўрта Осиёга юриши. Спитамен. Салавкийлар хукмронлиги даври. Юнон Бактрия давлати. Эллин маданияти. Довон давлати. Ижтимоий-иктисодий хаёти. Канғ давлати. Иктисодий хаёти. Африғийлар сулоласи даврида Хоразм. Кушон подшологи даврида ижтимоий-иктисодий хаёт. Маданий – маънавий хаёт. Кадимий ёзув маданияти. Буюк ипак йўлининг шаклланиши ва ривожланиш боскичлари. Ўзбек халки этногенези. "Ўзбек" атамаси. Ўзбекистоннинг миллий мустакиллик давридаги этник холати ва бу сохадаги ўзгаришлар. Миллатлараро дўстлик ва хамжихатлик

### 4-мавзу. Илк ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги: ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маданий хаёт.

Хионийлар ва кидарийлар. Эфталийлар хукмронлиги даврида ижтимоий-иктисодий ва маданий хаёт. Турк хоконлигининг вужудга келиши. Турк хоконлиги томонидан Ўрта Осиё ва Уралолди худудларининг забт этилиши. Ижтимоий –иктисодий ва маданий хаёт. Ғарбий Турк хоконлиги. Тун ябғу. Араб халифалиги томонидан Ўрта Осиёга амалга оширилган истилочилик юришлари. Араб халифалигига карши озодлик харакатлари. Абу Муслим бошчилигидаги харакат. Ғурак ва Деваштич. Халк ғалаёнлари. Муканна кўзғолони. Ислом динининг ёйилиши. Қуръони-карим – мукаддас китоб. Ҳадислар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти. Ислом дини таълимотини ривожлантиришда Ўрта Осиёлик олимларнинг ҳиссаси. Маънавий камолотга эришув йўлида муҳаддислар меросининг аҳамияти.

### 5-мавзу. IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги.
### Аждодларимизнинг жахон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси.

IX аср бошларида Мовароуннахр. Тохирийлар давлати. Ижтимоий-иктисодий хаёт. Сомонийлар сулоласи. Исмоил Сомоний. Ижтимоий-иктисодий хаёт. Қорахонийлар ҳукмронлиги. Ижтимоий-иктисодий хаёт. Ғазнавийлар давлати. Махмуд Ғазнавий даврида давлатнинг кучайиши. Ғазнавийлар билан салжукийлар ўртасидаги тўкнашув. Салжукийлар давлати. Ижтимоий-иктисодий ахвол. Хоразмшох-Ануштегинийлар сулоласининг хокимият тепасига келиши. Султон Отсиз. Султон Такаш фаолияти. Мухаммад Хоразмшох. Ижтимоий-иктисодий ахвол ва маданий хаёт. "Уйғониш даври". IX-XII асрлар Ўрта Осиёда маданий юксалиш. Байт ул-хикма. Хоразм "Маъмун академияси". Қомусий олимлар. Ал-Хоразмий. Ал-Фарғоний. Абу Райхон Беруний фаолияти. Абу Али ибн Сино. Олимнинг тиббиёт сохасидаги ютуклари. Ал-Форобий - буюк комусий олим. Махмуд Қошғарий. Ахмад Югнакий. Юсуф Хос Хожиб. IX-XII асрларда ислом дини ва сўфийлик. Имом Бухорий. «Жомеъ ас-Саҳиҳ». Ҳадислар тавсифи. Имом Термизий. Юсуф Хамадоний. Ахмад Яссавий. Абдухолик Ғиждувоний. Нажмиддин Кубро. Кубровия окими. Накшбандия тарикати. IX-XII асрларда меъморчилик ва санъат.

### 6-мавзу. Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш.
### Жалолиддин Мангуберди – мард ва жасур аждодимиз.

Чингизхон (Темучин) давлати. Чингизхон ва Султон Мухаммад Хоразмшох муносабатлари. Баховуддин Розий. Ўтрор вокеаси. Мўғулларнинг Ўрта Осиёга истилочилик юришлари. Мўғуллар хужуми арафасида Хоразмшохлар давлати. Ўтрор мудофааси. Хўжанд камали. Темур Малик жасорати. Бухоро ва Самарканднинг босиб олиниши. Гурганж (Урганч) камали. Нажмиддин Кубро жасорати. Жалолиддин Мангуберди-юрт химоячиси. Парвон жанги. Синд жанги. Жалолиддин Мангубердининг Ўрта Шаркдаги фаолияти. Мўғул истилоси ва зулмига карши курашнинг давом эттирилиши. Ўлкада мўғуллар хукмронлигининг ўрнатилиши ва унинг окибатлари. Чиғатой улусининг ташкил топиши. Махмуд Ялавоч. Махмуд Торобий кўзғолони. Кебекхоннинг маъмурий ва пул ислохотлари. Қозонхон даврида хокимият учун ички курашнинг кучайиши. Чиғатой улусининг пароканадаликка учраши. Маданий хаёт.

### 7-мавзу. Амир Темур ва Темурийлар даврида
### ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий хаёт.

XIV аср ўрталарида Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий вазият. Амир Темурнинг сиёсий кураш майдонига кириб келиши. Амир Темур ва Амир Хусайн. Сарбадорлар харакати. Амир Темур хокимиятининг ўрнатилиши. Амир Темурнинг харбий юришлари. Амир Темур - буюк давлат арбоби, машхур саркарда. "Куч - адолатда". Амир Темурнинг Ўрта Осиё ва жахон тарихида тутган ўрни. Салтанатни бошкариш тизими. Қўшиннинг тузилиши ва харбий интизом. "Темур тузуклари" – давлат бошкарув ишидаги мухим манба сифатида. Хўжалик ва маданий хаёт. Марказлашган давлатнинг парчаланиши. Шохрух Мирзо хукмронлиги даврида темурийлар салтанати. Мовароуннахрда Мирзо Улуғбек хукмронлиги. Мирзо Улуғбек даврида маданият, илм-фан ва адабиёт равнаки. Ички низо ва курашларнинг авж олиши. Мовароуннахрда Абусаид ва унинг ўғиллари. Хуросонда Хусайн Бойкаро хукмронлиги. XV асрнинг иккинчи ярмида фан, адабиёт ва маданият. Алишер Навоийнинг сиёсий ва адабий фаолияти.

**8-мавзу. Ўрта Осиё худудларининг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари.**

Мухаммад Шайбонийхон. Бобур ва Шайбонийхон. Мовароуннахрда шайбонийлар хукмронлигининг ўрнатилиши. Ижтимоий-иктисодий ва маданий хаёт. Абдуллахон II. Бухоро хонлигида аштархонийлар (жонийлар) сулоласи хукмронлиги. Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий ва иктисодий ахволи. Мамлакатда ички кураш, таркоқликнинг кучайиши ва унинг асосий сабаблари. Бухоро хонлигида хокимиятнинг манғит амирлари қўлига ўтиши. Бухоро амирлигида маданий хаёт. Бухоро - ислом ва маърифат маркази. Хива хонлигининг ташкил топиши. Шайбонийларнинг Хивадаги хукмронлиги. Қўнғирот сулоласининг хокимият тепасига келиши. Қоракалпоқлар. Ижтимоий-иктисодий аҳвол. Маданий хаёт. XVIII асрда Фарғона водийсидаги сиёсий вазият. Қўқон хонлигига асос солиниши. Хонликнинг худуди ва аҳолиси, ижтимоий-сиёсий, иктисодий хаёти. Қўқон хонлигидаги ички кураш. Халк норозилигининг кучайиши. Қўқон хонлигида маданий хаёт. Хонликлардаги сиёсий-хукукий билим ва диний дунёкарашнинг жамият маънавий, моддий хаётидаги ўрни.

**9-мавзу. Ўзбек хонликларининг Россия империяси томонидан босиб олиниши. Мустамлакачилик зулмига қарши миллий-озодлик харакати. Жадидчилик.**

XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларининг ижтимоий-сиёсий ва иктисодий ахволи. Ўрта Осиё масаласида инглиз-рус рақобати. Қўқон хонлиги худудларига хужум. Тошкент мудофааси. Жиззах, Ўратепа жанглари. Туркистон генерал-губернаторлиги. Бухоро амирлигининг Россия империяси вассалига айлантирилиши. Хива хонлигига боскинчилик юриши. Хива хонлигининг Россия империяси вассалига айлантирилиши. Қўқон хонлигида сиёсий танглик. Халк қўзғолонлари. Россия империяси томонидан Қўқон хонлигининг тугатилиши. Фарғона вилоятининг ташкил этилиши. Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати, бошкарув тизими. Харбий бошкарув тартиби. Россия империясининг иктисодий хукмронликни ўрнатиш тадбирлари. Аграр сиёсат. Ахолини кўчириб келтириш сиёсати. Мустамлакачиликни кучайтиришга қаратилган маданий ва маърифий сиёсат. Мустамлакачилик зулмига карши миллий озодлик харакатлари. Фарғона водийсидаги халк харакатлари. Тошкент қўзғолони. Андижон қўзғолони. Жадидчилик харакати ва унинг атокли вакиллари. Биринчи жахон урушининг ўлка хаётига салбий таъсири. Ахоли норозилигининг кучайиши. 1916 йилги халк қўзғолони ва унинг характери.

**10-мавзу. Туркистонда мустабид совет хокимиятининг ўрнатилиши. Совет хокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иктисодий сиёсати.**

1917 йил февраль буржуа-демократик инкилоби ва унинг Туркистонга таъсири. Советлар хокимиятининг ўрнатилиши. Туркистон мухторияти. Қўқон фожеаси. Туркистон АССР. Харбий коммунизм сиёсати. Совет хокимиятига қарши куролли харакат. Хива хонлиги. "Ёш хиваликлар". Хива хонлигининг ағдарилиши. Хоразм Халк Совет Республикаси. Бухоро амирлиги. "Ёш бухороликлар". Амир хокимиятининг ағдарилиши. Бухоро Халк Совет Республикаси. 20-йилларда ижтимоий-сиёсий ва иктисодий вазият. Ер-сув ислохотлари. Ўрта Осиёда миллий - давлат чегараланиши. Ўзбекистон ССР. Қоракалпоғистондаги ижтимоий-сиёсий ва иктисодий ахвол. Саноатлаштириш ва аграр сиёсат. Жамоалаштириш сиёсати. Қулоклаштириш. "Маданий инкилоб". Маъмурий-буйрукбозлик бошкаруви. Сиёсий қатағонлар.Иккинчи жахон уруши. Хўжалик ва ижтимоий хаётнинг харбий изга солиниши. Уруш йилларида Ўзбекистон саноати. Фан ва маданият. Ўзбекистонликларнинг фронтдаги жасоратлари.

**11-мавзу. Ўзбекистонда совет давлатининг амалга оширган ижтимоий, иктисодий ва маданий сиёсати ва унинг оқибатлари (1946-1991 йй.)**

Ўзбекистон иккинчи жахон йилларидан кейинги тикланиш йилларида.

50-60-йилларда Ўзбекистондаги иктисодий хаёт. 70-йилларида республикадаги ижтимоий-сиёсий холат. Ш.Рашидов фаолияти. Иктисодиётнинг хомашё етиштириш томон йўналтирилиши. Пахта яккахокимлиги. 50-80-йилларда республиканинг маданий хаёти. Илм-фан.

80-йилларнинг ўрталаридаги ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маънавий хаётдаги инкироз. "Қайта куриш" ва унинг чекланганлиги. "Пахта иши", "ўзбеклар иши". Оммавий катағонлар. Фарғона фожеаси.

И.Каримовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий кўмитаси биринчи котиби. Республика ижтимоий-сиёсий хаётида ўзгаришлар. Кадрлар сиёсатида миллий манфаатлар устуворлигининг ўсиб бориши. "Пахта иши"нинг кайта кўрилиши ва тарихий адолатнинг тикланиши. Ижтимоий-иктисодий ва маданий хаёт. И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти.

Мустакиллик Декларацияси ва унинг аҳамияти. 1991 йил август вокеалари. СССРнинг таназзулга юз тутиши.

**12-мавзу. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши. Хукукий демократик давлат куриш ва фукаролик жамият асосларини шакллантириш.**

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигининг эълон килиниши ва унинг тарихий аҳамияти. 1991 йил 29 декабрдаги референдум ва умумхалк томонидан Ўзбекистон Республикаси мустакиллигининг маъкулланиши. И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши. Сиёсий ислоҳотлар. Давлат хокимиятининг миллий, хукукий, демократик асосларининг барпо этилиши. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимиятлари. Кўппартиявийлик тизимига асос солиниши. Ўзбекистон парламенти. Икки палатали парламент. Вазирлар Махкамаси, унинг ижро этувчи хокимиятнинг мухим бўғини сифатидаги ўрни. Халк хўжалиги тизими бошкарувидаги ислохотлар. Суд хокимияти ислохотлари. Махаллий давлат хокимияти органлари. Фукароларнинг ўзини-ўзи бошкарув органлари. Миллатлараро тинчлик ва тотувлик. Ахборот тизимини эркинлаштириш.

**13-мавзу. Мустакиллик йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-иктисодий, маънавий-маданий тараккиёт. Ўзбекистон ва жахон хамжамияти.**

Тараккиётнинг "Ўзбек модели". Иктисодий ислохотлар. Хусусийлаштириш. Кўп укладли иктисодиёт. Тадбиркорликнинг ривожланиши. Бозор инфратузилмасининг шаклланиши. Иктисодиётдаги чукур таркибий ўзгаришлар. Аграр ислохотлар. Иктисодий баркарорликнинг таъминланиши. Кучли ижтимоий сиёсат. Маънавий кадриятларнинг тикланиши. Миллатлараро муносабатлардаги баркарорлик. "Таълим тўғрисида"ги конун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". Илм-фаннинг ривожланиши. Маданият ва санъат. Жисмоний тарбия ва спорт. Қоракалпоғистоннинг ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий тараккиёти. Тинчликсевар мустакил ташки сиёсат асосларининг ишлаб чикилиши. БМТ, ЕХҲТ билан хамкорликнинг йўлга кўйилиши. Шанхай хамкорлик ташкилоти ва Ўзбекистон. Ўзбекистон ва МДҲ. Халкаро терроризм, диний экстремизмга ва "оммавий маданият" никоби остидаги маънавий тахдидларга карши курашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан ижтимоий – иктисодий ислохотларни янада жадаллаштирилиши. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Харакатлар стратегияси.

## IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Марказий Осиё - инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири
2. Ўзбекистон ҳудудида дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (қадимги даврлардан IX асргача)
3. Буюк ипак йўли ва ҳозирги замон
4. IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги. Сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти
5. IX-XII асрларда Ўрта Осиё халқлари ҳаётида юз берган уйғониш (ренессанс) даври: фан ва маданият равнақи
6. Амир Темур ва Темурийлар даврида ўзбек давлатчилиги
7. Ўзбекистон ҳудудларининг хонликларга бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари
8. Россия империясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати. Миллий озодлик кураши. Жадидчилик
9. Совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қарши қуролли ҳаракат.
10. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда юритган катағонлик сиёсати, унинг моҳияти ва оқибатлари
11. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси
12. Маъмурий буйрукбозликнинг кучайиши ва инқирози даврида Ўзбекистон
13. Мустақил Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни
14. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги иқтисодий, маънавий ва маданий тараққиёти.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академ. гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

## V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" асарида тарих фанини ривожлантириш борасида баён қилинган концептуал ғояларнинг аҳамияти.
2. "Авесто" - тарихий манба сифатида.
3. Ўзбекистонда дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари.
4. Имом Ал-Бухорийнинг «Жомеъ ас-Саҳиҳ» асари – Ислом динининг муҳим тарихий манбаси.
5. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари – тарихий манба сифатида.
6. Ўрта Осиёлик алломаларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси.
7. Амир Темур тузуклари – давлат бошқаруви тўғрисидаги муҳим манба сифатида.
8. Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маданият.
9. Жалолиддин Мангубердининг Ватан ҳимояси йўлидаги жасорати.
10. Алишер Навоий давлат арбоби ва шоир сифатида.
11. Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёт.
12. Туркистон жадидлари илгари сурган ғоялар, маърифий қарашлар ва уларнинг мазмун-моҳияти.
13. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси.
14. Ўзбекистонда 50-70 йилларда пахта яккаҳокимлигининг кучайиши ва экологик муаммоларнинг келиб чиқиши.
15. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

## VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**

### Асосий адабиётлар:


1. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2005 (лотин алифбосида).
2. Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2010.
3. Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Дарслик, – Т.: Янги аср авлоди, 2012.
4. Эшов Б., Одилов А. Ўзбекистон тарихи. I жилд. Энг қадимги даврдан XIX аср ўрталаригача. Дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2014.
5. Ўзбекистон тарихи. Дарслик II жилд. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2015.


### Қўшимча адабиётлар:


1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутк. - Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. - Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент.: Ўзбекистон. 2017.
5. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. I жилд. – Т.: Фан, 1968.
6. "Авесто". "Яшт" китоби. Ўзбек тилига М.Исҳоков илмий-изоҳли таржималари. – Т.: Шарқ, 2001.
7. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: Янги аср авлоди, 2011.
8. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. – Т.: Маънавият, 2000.
9. Буниётов З. Анушгегин Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). – Т.: Ғафур Ғулом, 1998.
10. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. – Т.: Фан, 1996.
11. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. – Т.: Шарқ, 2001.
12. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
13. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Т.: Чўлпон, 1994.
14. Мухаммаджонов А. Темур ва темурийлар даври. – Т.: Фан, 1996.

15. Муртазаева Р.Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. Ўкув қўлланма. – Т.: Университет, 2007.
16. Низомул мулк. Сиёсатнома. – Т.: Адолат, 1997.
17. Саъдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Ўкув кўлланма. – Т.: Университет, 2004.
18. Темур тузуклари. – Т.: Шарк, 2012.
19. Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
20. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: Фан, 2001.
21. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
22. Юнусова Х.Э. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX аср 80-йиллари мисолида). – Т.: Abu matbuot-konsalt, 2009.
23. Шарофуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Шарк, 1997.
24. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарк, 2000.
25. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарк, 2000.
26. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Т.: Шарк, 2000.

**Интернет сайтлари:**

1. "Халқ сўзи" газетаси – www info XS. Uz.
2. "Туркистон" газетаси – www turkiston sarkor. uz.
3. "Маърифат" журнали – www ma'rifat – inform.
4. "Жамият ва бошкарув" журнали – www rzult academy freenet uz.
5. "Мозийдан садо" журнали – www moziy dostlink. Net
6. www. ZiyoNet.uz.